







# «ОҲАНГАРОНШИФЕР» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ

*Тармоқ ходимлари, барча  
бунёдкорларни касб  
байрами билан самимий  
қутлайди.*



*Нияти улғу, қадами  
қутлуғ бунёдкорларимизга  
хайрли ишларида  
муваффақият ҳамиша ёр  
бўлсин!*



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Миллионернинг ўғли уйига хат ёзибди: «Ойи-жон, институтда ўқияман. Хамма машғулотга автобусда боради, мен таксида боряман».

Онасидан жавоб хати келипти: «Ўғлим, бошқалардан ажраб туриш яхши эмас. Автобус сотиб ол-да, эл қатори автобусда қатна».

Сафарда юрган хотини эрига кўнғироқ қилапти: — Мушугимиз қалай? — Улди. — Вой шўрим! Нахотки, шу гапни юмшоқроқ қилиб айтмайсан. Томда ўтирипти дегин. Кейин томдан йқирилиб, жони узиди дегин эди. Тушундингми? — Тушундим. — Хўп, майли. Ойим қалайлар? — Томда ўтириптилар.

Қайнота кўёвга бир халта пул тутқазди дебди: — Нима қилсангиз қил, кўёв. Лекин менинг қабрим биродарлик қабристонида бўлишини истайман. — Эртасига кўёви кўчадан келиб дебди: — Нима қилсангиз қилган-у, отажон, эртага соат 12 да дафн маросими...

## Ним табассум

— Азизим, — деб хитоб қилипти эр. — Бу дунёда сендан бошқа ҳеч нарса қолмади... — Вой шўрим! Нима бало? Машинангизни уриб олдингизми? — Нега ҳеч таътилга чиқмайсан? Нахотки, фирманг сөнсиз кунини кўролмасан? — Шуни билиб қолишмасин, деб ҳеч қаёққа кетмаяпман-да...

Мен икки ҳафтага Кримга бормоқчиман. Сизда йўлқўрсатчи топилмайдими? — Топилади. Мана, «Крим бўйлаб ўн кун» деган янги китоб. — Жуда соз, лекин қолган тўрт кунда нима қиламан?

Хотини: — Доктор менга саёхат қилишини буюрди. Қаёққа борамиз? — Эри: — Бошқа докторга.

Рашкчи хотин эри автобилда сафар қилиб келгандан кейин унга айтди: — Тўғри, мен ёнингдан мухаббат изхор қилиб ёзилган мактуб топанганим йўқ. Дастурмолингга лаб бўяйдиган мойнинг ҳам изи кўринмади. Лекин олдинги ўриндикдаги тасма меникига қараганда икки баравар нозикроқ қоматга мўлжаллаб, ичмам қилиб қўйилгипти...

Уқувчи мактабга лаби шишиб келипти. Уртоқлари нима бўлганини сўрашибди. — Дам олиш кун отам билан бирга қайдаки сайр қилгандик. Лабимга ари қўнди. — Хайдаш керак эди уни... — Ултурмадим. Отам уни эшак билан уриб ўлдирди.

Бир бадавлат, лекин хасис одам машина олаётиб, ҳар хил саволлар бериб, роса сотувчини хуноб қилипти. Охири «бу машина қанча бензин тежайди?» деб сўрапти. Сотувчи энсаси қотиб «Бир қошиқ» дедди. — Чой қошиқми, ош қошиқ? — деб сўрапти хасис.

## Биласизми? ДАРМОНДОРИ КЎКАТЛАР ХОСИЯТИ

**ЧОЙ.** Қонни тозалайди, овқатни яхши ҳазм қилдиради, мия қувватини оширади, ранги-руҳсорни очади. Шароб ва саримсоқ пивэнинг нохуш хидини бартараф этади. Баргини қовуриб дамлаб ичилганда меъдага қувват беради ва пешоб ҳайдайди. Хафакон ва юрак иллатларига қарши фойдалидир. Шу билан бирга тишларни мустаҳкамлайди, уларни кўрт ёйшдан асрайди, суньяклар қувват беради. Энг асосий хусусияти — ташналикни қондиради.

**БИНАФША.** Сафрони ҳайдайди, хусусан, сафро меъда ва ичакларда тўпланиб қолганда яхши фойда қилади. Чанқоқни босади, қон босимини пасайтиради, кучли иситмани бартараф қилади. Бинафша ёғи соч-соқол тўқилишининг олдин олади, пай ва бўгинларни юмшатади, тирноқларни мустаҳкамлайди. Ҳаммомда терлагандан сўнг ундан уч грамм ичилса, нафас сиқинини қолдиради. Болаларнинг кўксига суркалса, куруқ йўтални тезда бартараф қилади.

**ПЕТРУШКА.** Томири, барги ва танаси қайнатиб ичилса, ҳазм қилиш қувватини оширади, қорин бодини ҳайдайди, сариқ касали, нафас сиқиб, жигар касалига фойда қилади. У меъда ва ичаклар фаолиятини оширади, биқин оғриғи ва қорин санчигини даволайди. Уруғи ҳам шу хусусиятларга эга бўлиб, иситмани туширади.

**ЯСМИГ.** Унда фосфор моддаси сероб бўлгани учун суньяни бақувват қилади. Асал билан аралаштириб, чқур захмларга боғланса ёки гул ёғи билан қўшиб, шамоллаган кўзга суртилса тўзатади. Товуқ туҳумига қўшиб, совуқ урган оёқ, қўл ва юзларга суркалса фойдалидир. Сувда пишириб ейилса, нафас йўлини юмшатади ва йўтални тўхтади. Сувига оғиз чайилса, оғиз яллиғланишини ва дифтерия касалини йўқотади. Ясмиғнинг уни юмшатуви хусусиятга эга бўлиб, тери яллиғланишини тўзатишда яхши таъсир кўрсатади.

**БАРГИЗУБ.** Барги, томири ва мевасида юмшатуви, қонни тозаловчи ҳамда микробларга қаршилик кўрсатувчи моддалар мавжуд. Меъда яллиғланишининг олдин олади, оддий ёки қонли ич кетишини тўхтади, оғиз, тиш, қулқоқ оғриғини тўзатишда фойда қилади. Йўталганда ахлат ёки қон келишини тўхтади, буйрак шамоллаганини тўзатади. Дорисозлик сановатида унинг барги қайнатилган сувдан қўшиб, крем тайёрлайдилар ва у юзда майда-чўйда яраларни даволайди. Ари чқакан жойнинг оғриғини қолдириш учун қайнатиб юмшатишдан баргини босишдан яхшироқ дори йўқ. Барги қайнатилган сув билан кўз ювилса, шамоллаш ва қизариш йўқолади.

Н.СОЛИХОВА тайёрлади

Ўтган йили шаҳар телекоммуникация боғламаси томонидан 2,813 миллиард



**Тўйга тўёна билан бориш қадим удулларимиздан. Топган гул, топмаган бир боғ пивэ, деганларидек «Насоф» жамоаси ҳам ҳадемай зўр тантаналар билан нишонланадиган ажойиб байрам - Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини шода-шода медаллар билан муборакбод этишини дилга туккан кўринди. Ҳар холда ҳозирча «Насоф» турнир жадвалини бошқаришини ҳеч бир клубга бериб қўймаслик учун астойдил ҳаракат қилаётгани кўзга ташланмоқда.**

Миллий чемпионатимизнинг 15-турида ҳам қаршиликлар эзгу маҳсад сари яна бир қадам қўйдилар. 2005 йил мавсумини ҳар қачонгидан муваффақиятли бошлаган Қашқадарёнинг яна бир вакили - Муборакнинг «Машъал» командасини қабул қилган «Насоф» мўҳим уч очко эгасига айланди. Майдон соҳибларига галаба келтирган гол Ботир Қораев томонидан пенальтидан амалга оширилди. Бу учрашувнинг учинчи дақиқасида ош берди. Бинобарин, вазиётни тенглаштириш учун «Машъал»да 87 дақиқа бир бўлса, бунинг улдасидан чиқиб Виктор Жалилов шогирдларига насиб этмади.

Шундай қилиб, «Насоф» қаторасига иккинчи марта (аввалги турда «Локомотив» билан учрашганда шундай ҳол юз берганди) пенальти

сўмлик хизматлар кўрсатилиб, даромадлар режаси 102,3 фоизга қаршилди. Бунга эришишда мижозлар учун зарур қўлайликлар мавжудлиги, телефон тармоқларининг хориждан келтирилган замонавий техникалар билан таъминланганлиги асосий омил бўлди. Жумладан, 1996 йилда Жанубий Кореянинг

## Элга хизмат — олий ҳиммат ЛАББАЙ, БУХОРО ЭШИТАДИ

**Бухоро шаҳрида эҳолига телекоммуникация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида талай ютуқларга эришилмоқда. Ҳозирда ҳудудда 53000 рақамли замонавий автомат телефон станциялари ёрдамида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари йўлга қўйилган. Шунингдек, 46786 та телефон нукталари ишлаб турибди. Шундан 5285 таси ташкилотлар хиссасига тўғри келса, 41 миңдан зиёди ҳонадорларга ўрнатилган. Бу ҳар юз оиладан 63,5 таси ўз телефонига эгалигини билдиради.**

ДЭУ фирмаси билан 9,4 миллион АКШ доллари қўйилгандаги контракт асосида умумий сийми 30 миң номерга тенг 5 та телефон станцияси замонавий рақамли электрон станциялари билан алмаштирилди. Бир йилдан сўнг аса вилоят ҳудудидан Осиё ва Европа қитъаларини боғловчи оптик толали халқаро кабел магистрალი ўтказилиши муносабати билан 5 миңта каналга мўлжалланган шаҳарлараро автомат телефон станция-

си қуриб ишлаб туририлди. 1997-2000 йиллар давомида Япониянинг 18 миллион 678 миң АКШ доллари қўйилгандаги тенг бўлган ОЕСФ лойиҳаси асосида қўшимча АТСлар қурилиб, замонавий автомат станциялар сийми 53 миңгага етказилди. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича телефон тармоқларида эксплуатация қилинаётган кабеллар ўз вақтида жорий ва капитал таъмирланмоқда. Шу билан бирга аҳоли, қорхона ва ташкилотларнинг янги телефон ўрнатиш бўйича ўсиб бораётган талабини қондиришга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, 2003 йилдан буён 2900 та янги телефонлар ишлаб туририлди. Шу йилнинг охиригача «Шалгамхўрон» мавзесидаги бир қанча қўчаларни телефонлаштириш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда ўтказилган мониторинг натижасида қўшимча телефонга эҳтиёжи бор ва умуман телефон бўлмаган мавзёлар аниқланиб, бўш сиймлардан фойдаланишни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Т.ШЕРНАЕВ, «Ишонч» муҳбири



## Футбол

Ушбу турда турнир жадвалининг кўйи погонасида бораётган жамоалар майдонда шиддат билан тўп сурдилар. Хусусан, Жиззахнинг «Судиёна» клуби номдор рақиб - Наманганнинг «Навбахор»идан уч очко тортиб олишнинг улдасидан чиқди. Шаҳоб Э-

Нихоят, Ғузор қўчаларида мухлислар учун шоду хуррамлик бошланди. «Шўртан» жамоаси ўзининг мавсумдаги иккинчи галабасини нишонлади. Қашқадарёнинг олий лигадаги учинчи вакили «Бухоро» жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этди. «Локомотив» - «Нефтич» учрашувида ҳам майдон эгаларига омад қилиб бекди. Ҳисоб — 2:1. Бу мағлубият Юрий Саркисян шогирдларининг медаллар учун бўладиган туранини анча қийинлаштириб қўйди.

«Пахтакор» - «Қизилқум» ўртасидаги матч бошқа кунга қолдирилди. Турнир жадвалида ҳамон «Насоф» жамоаси пешқадамлик қилмоқда.

Р.ЗАЙНИЕВ

## АЪЛО КАЙФИЯТ УЛАШИБ

**Андижон вилоят Агрорасноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма Кенгаши тизимида ишловчиларни жисмонан соғлом ва маънавий етук бўлишлари ҳамда спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадига вилоят спартакиадасини ўтказиш аънаъига айланган.**

Маълумки, вилоятдаги 14 та туманда «Саломатлик» спартакиадасининг еттига спорт тури бўйича саралаш босқичи ўтказилган, голиб жамоалар аниқланган эди. Қуни кеча 500 нафардан ортиқ спортчилар Марҳамат тумани марказида жамулжам бўдилар.

Қутилганидек, баҳслар қизгин тусда ўтди. Волей-

## Қасаба уюшма тадбири

бол ва миллий кураш турлари бўйича Марҳамат тумани жамоаси устунлигини қўлга киритди. Стол тенниси ва тош қўтаришда Пахтабод тумани спортчиларига тенг келадигани топилмади. «Отам, онам ва мен» деб аталмиш мусобақада Балиқчи тумани жамоаси голибликка эришти. Футбол тури бўйича Булоқбоши тумани жамоаси, енгил атлетика тури бўйича эса Қўрғонтепа тумани спортчилари шохсупага қўтарилдилар.

Уйин якунига қўра умумжамоа голиблари ҳам аниқланди. Марҳамат тумани жамоаси биринчи, Олтинқул тумани жамоаси иккинчи, Булоқбоши тумани жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Голиблар Агрорасноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма вилоят Кенгашининг қимматбах оловлари ва дипломлар билан тақдирланди.

С.НАЗИРОВА, хуқуқшунос

## Мерган бува хотираларидан

**Ўрта мактабни битираётган кезларим. Тенгдошлар ўқини тугатган, ҳаётнинг охири йўқ аргамчидек чўзилган узундан-узун йўлларидан эрта-индин талапдорлардек қанот чиқаришни ўйлаб ярим тунгача кишлоқ кезамиз. Бир сафар кишлоқ ўртасидаги қишлоқ бўйида тўхтадик. Ногоҳ хуррак овози эшитилди.**

— Мерган бува, — деди яқин ошнам Шермат. — Ҳовлиси димлигидан ёз пайтлари шабадароқ деб шу ёрда ётади.

Биз ойнак олачаллақ ёғдуси тушиб турган ҳовуз лабида ёнбошладик. Бу ёрда жуда антиқа: осмонга беармон бўй чўзган чинорларнинг томирлари қирғоқни чангадек ўраган. Гуё ҳовуз атрофини дарахт томирларидан кимдир атайлаб бетонлаб қиқандек.

Хуррак сийраклашди. Сал ўтмай, Мерган бува йўталди. Хирқирок овозда сўради:

— Ким ўтирганлар? — Биз, бува. — Чол пича жим қолди. Сабани билмасиз. Сийпала-навериб ойнадек ялтираб кетган, ҳаммаизга таниш носқовоғини пайпасларди.

— Сизни уйғотиб юбордик-да, Мерган бува, — дедим, салом бергач узр охангиди. — Қўйсанг-чи, — мерган бува ёнбошлаган кўйи узун, оқ рангдаги ёнгли қўлини силтади. — Уйку қаёқда дейсан! Бизники куш уйку.

Мерган буванинг ҳам бир маҳаллар ёш бўлганлигини, биз сингари чопқиллаб юрганини, тунлари кишлоқни бедор кезганини ҳеч тасавурига сийдира олмайман.

Мерган бува ёшлик йилларини хотирлади шекилли, оғир тин олди. Биз у кишининг атрофига тўпланишиб ўтирдик. Тун осуда, чигирткаларнинг қўшиғи алланечук борлиққа жозиба бағишлаётгандек.

лик пардаси қоплабди. Олдулар милтиллаб, ортидан ой кўтарилибди. Овчиларнинг кўзи хиёл илгинган экан, даҳшатли ҳайқирқидан сакраб уйғонишибди.

— Арслон! — дедди овчилар етакчиси. Халиғанча бу қудратли ҳайвонга бас келадиган зот туғилмаган.

Тўқайзор шохи қамишларни шатир-шутир синдириганича чайла теварганини хўп айланлибди, афтидан одам ҳиди уни ўзига оханграбдек тортаётган эди. Унинг хансираб нафас олиши қалин қамиш боғлари орасидан ҳам эши-

ниги панжанинг юмшоқ гўштига мих каби санчилган эди. Тикан овчининг бармоқларига илашмади. Шундан сўнг панжа орасини кенг ёзди-да, тишлари билан чўп синигини сўғуриб ташлади.

— Бўлди, оёғинг оғирмайди энди. — Шундай деб панжани эркалатиб силаб қўйди. — Ташқарида хансираётган ҳайвон гапни уқғандек бесўнақай панжасини чайла ичидан аста сўғурди.

Кўрқув ва ҳаяжондан овчиларнинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Тонгга яқингина кўзлари илдинди. Қаттиқ гурсиллашдан биринчи бўлиб бош овчи чўчиб уйғонди. Иккинчиси ҳам шошиб кўзини очди.

— Тагин нима гап! Ярасини боқиб ҳам қутилмадикми дейман? — Бош овчи шеригининг бу саволига жавоб қайтаришдан ожиз эди. Борлиқга сув қўйилгандек жимлик чўккан. Арслон бўлганда шарпаси эшитиларди. Охири чидашмади. Эшик ўрнидаги ха-шқ боғламани оҳиста суриб ташқарига мўралашди. Чайладан икки қадамгина нарида кийик ётарди. Бу яхшилик учун арслоннинг овчиларга ҳадяси эди.

Шу-шу арслон ушбу жамоага даҳл қилмабди. Чайла атрофига тўрт туп чинор ўтказилибди, қўрғон тиклашибди. Қишлоғимиз номи — Шерқўрғон шундан келиб чиққан дейишди.

Яхшиликка яхшилик самараси сифатида дунёга келган ва ҳайвонлар султони номи билан боғлиқ кишлоғимизга қачон йўлим тушганда мерган буванинг ўша ҳиқоясини эслайман. Қарангки, яхшиликни ҳайвонлар ҳам билишаркан.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

## «НАСАФ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

шарофати билан зафар қўшига муваффақ бўлмоқда. Бу нимани англатади? Ҳужум шиддатли тус олиб, футболчилар жарима майдонига ёриб киришга тинимсиз ҳаракат қилсагина, шунга ўхшаш фавқуллода вазиятлар тез-тез юзага келади. Бирисида бўлмаса, бирисида ҳимоя чизигида пала-партишлик оқибатида ўйин қондаси қўп равишда бузилади. Жарима майдонига амалга оширилган «фон» эса, аксари ҳолларда ҳакам томонидан пенальти белгилишини билан ниҳоя топади. Шу боис ҳам галаба калити рақиб дарво-

кинов томонидан киритилган гол амалда ҳал қилувчи зарба бўлганлиги ўз исботини топиб, майдон эгалари мухлисларини хушнуд этди. Бекобдиннинг «Металлург» жамоаси эса Тошкентда тўп сурганига қарамай «Трактор»ни енга билди. 2:1 ҳисоби меҳмонларга турнир жадвалидаги мавқелини бироз ўнглаб олишга қўмақлашган бўлса, В. Абрамов шогирдларининг юқори ўринларга бўлган дарвосини шубҳа остида қолдириди. Дебютант жамоа - «Тупалан» худди шу ҳисобда «Самарқанд-Д» устидан зафар қучди. Бу Сарюсийё коман-

Р.ЗАЙНИЕВ

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайхоти:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Мамюра Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Қодиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.